

Пудрат шартномаси № 1

Бухоро ш.

2022 йил "16" май

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Бухоро вилоят ҚСХН инспекцияси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиқ Р.И.Нарзиев, бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Бунёдкор Иззатилло сохтимон" ИТҚ ХК номидан Устав асосида иш кўрувчи жамият раҳбари Н.Н.Саидов, иккинчи томондан:

Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 23-А уй манзилидаги Бухоро вилояти ҚСХН инспекциясига қарашли автогараж биносини инспекция ишчи ходимлари учун иш хоналарига мослаштириш ва бошқа қурилиш ишлари объектида шартномада назарда тутилган қурилиш-монтаж ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:
ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома предмети

2. Пудратчи мазкур шартнома шартлари асосида **Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 23-А уй манзилидаги Бухоро вилояти ҚСХН инспекциясига қарашли автогараж биносини инспекция ишчи ходимлари учун иш хоналарига мослаштириш ва бошқа қурилиш ишлари** объектида лойиҳада кўзда тутилган ҳажмда қурилиш-монтаж ишларни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишларнинг шартномавий жорий қиймати (қўшимча қиймат солиғи билан) **1.198.000.000 (бир миллиард бир юз тўқсон саккиз миллион)** сўмни ташкил қилади.
4. Ишлар қиймати қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши мумкин:
 - қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
 - объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда (шартнома имзоланган санадан бошлаб бир йилдан ошганда) иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - қурилиш майдонида хавфсизлик техникаси, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
 - қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёллаган учинчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ва топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг ишини шартноманинг VII бўлимида келишилган ҳолатда (шаклда/усулда) жорий молиялаштириш ва унинг иши учун иш ишчи комиссиясига узил кесил топширилгандан сўнг 30 кун ичида бажарилган ишлар бўйича қолган қарздорликлар бўйича тўлиқ ҳисоб-китобни амалга ошириш;
 - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кейин кучга киради.
11. Пудратчи мазкур шартномага асосан биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади. Пудратчи ишнинг аҳамиятидан келиб, чиқиб аванс тўловидан олдин ҳам ишни бошлаши мумкин, лекин бундай ҳолда шартнома бўйича келишилган аванс иш бошланган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилмай Пудратчига тўлаб берилиши керак.
12. Объектда бажарилиши келишилган қурилиш-монтаж ишларининг (ишлар ҳажмининг) давом этиш вақти ишлар бошланган (шартнома имзоланган) кундан **2022 йил 20 июнгача бўлган даврни** ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 фоизигача миқдорда аванс ўткази, бу **179.700.000 (бир юз етмиш тўққиз миллион етти юз минг)** сўмгача бўлган суммани ташкил этади.

14. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ Ф-3, ва Ф-5 далолатномасида кўрсатилган бажарилган ишлар қийматининг 80 % миқдорида (яъни, олдиндан тўланган 15 % аванс пули бажарилган ишлар қийматидан пропорция усулида сақланиб қолинади), Ф-3 ва Ф-5 да ишлар бажарилганлиги кўрсатилган ойдан кейинги ойининг 10 кунидан кечиктирмай амалга оширилади.
15. Объект фойдаланишга қабул қилинган кундан бошлаб, 12 ой кафолат муддати яқунлангунга қадар шартнома умумий қийматининг 5 фоиз миқдорида сақлаб қолинади. Кафолатли муддат яқунлангандан сўнг, пудрат ташкилоти томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишларида камчилик ва нуқсонлар аниқланмаган тақдирда объект фойдаланишга қабул қилинган кундан бошлаб 12 ой кафолат муддати ўтгандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 5 фоизи тўлаб берилади.
16. Объектдаги Пудратчига буюрилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар ишлар ҳажмининг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. Ишларни бажариш

17. Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт.
18. Пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, қурилиш-монтаж ишларини тухтатмасдан бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.
19. Қўшимча иш бажариш ва унга ҳақ тўлашга буюртмачи рози бўлса, бу ишлар пудратчининг касб фаолияти соҳасига кирмайдиган ёки у ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уларни бажара олмаган ҳоллардагина пудратчи мазкур ишларни бажаришдан бош тортишга ҳақли.

IX. Ишларни қўриқлаш

20. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.
21. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект комиссия томонидан қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

22. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
23. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
24. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.
25. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

26. Қурилиши тугалланган иш ҳажмини қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.
27. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида комиссия томонидан қабул қилиб олинади.
28. Пудратчи қурилиши тугалланган иш ҳажмини қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

XII. Кафолатлар

29. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
 - лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
 - ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи "Буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
30. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.
31. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
32. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

XIII. Шартномани бекор қилиш

33. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади.
37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича таклиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:
- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
 - Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
40. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун

«Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

41. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида аммо мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
42. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда лозим даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар музокаралар ёрдамида ҳал қилинмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бухоро туманлараро Иқтисодий судида кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

XVI. Алоҳида шартлар

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
45. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
46. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
47. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида шартномада назарда тутилгандан ўзгача молиялаштириш жадвали тузилиши, ишларни бажариш жадвали тўғрисида келишиб олиниши мумкин. Ушбу ҳолатда томонлар ушбу жадвалларга риоя қилишлари шарт ва улар шартноманинг ажралмас қисмига айланади. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни, хусусан юқоридаги келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
48. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
49. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
50. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва томонларнинг зиммаларига олган барча мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

Бухоро вилоят ҚСХН инспекцияси

Манзил: Бухоро ш., Қ.Муртазоев кўчаси, 23-А уй
х/р 20 210 000 800 286 913 001

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бухоро минтақавий
банк хизматлари офиси

МФО: 00440

СТИР: 201 556 250, ОКЭД: 71110

тел: 65. 505-04-01

тел: 65. 505-05-02

«Пудратчи»

«Бунёдкор Иззатилло сохтимон» ИТҚ ХК

Манзил: Бухоро тумани, Гала Осиё шаҳри, Дўстлик МФЙ,
Мевазор кўчаси, 41-уй

х/р 20 208 000 104 870 858 001

Банк: «Капитал Банк» Бухоро филиали.

МФО: 01082, ИНН 301 710-104

ОКЭД: 43990

Тел. +99897 488-67-77




(имзо, м.ў.)

Р.И.Нарзиев

Бош юристконсулт

С.Шодиев



(имзо, м.ў.)

Н.Н.Саидов